



**Изоҳ:** 1. Ўқув режасидаги ўқув модулларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Хайъати қарорлари, вазирлик буйруқлари асосида киритилиб ўқитиладиган мавзулар ўз аксини топиши керак.

2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасида кўрсатилган модулларнинг соатлар миқдори талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.
3. Маъруза соатларининг ҳажми умумий аудитория юкламасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
4. Машгулотлар семинар-тренинг шаклида давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлан ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.
5. Кўчма машгулотлар олий таълим муассасаларида, илмий ва ишлаб чиқариш корхоналарида, тегишли вазирликлар ва марказларда амалга оширилади.
6. Мустақил таълим тегишли ўқув модуллари бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади.
7. Малакавий амалиёт олий таълим муассасаларида, хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларида, тегишли вазирликлар ва марказларда тажриба алмашиш шаклида ташкил этилади.
8. Тингловчилар билим, кўникма ва малакаларининг малакавий аттестацияси тест синовлари ва битирув лойиҳа иши ҳимояси асосида амалга оширилади.
9. Битирув лойиҳа иши тингловчилар томонидан тайёрланади ва курс якунида ҳимоя қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашида мақуллашга,  
2015 йил «16» 07 даги 4-сонли баённома.

Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси бошлиғи

И.У.Мажидов

Бош илмий-методик марказ директори

У.Ш.Бегимкулов



*Handwritten signature*